



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 18 апрель, № 77 (6260) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

17 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда кўйи палата мажлиси кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама қилиш якунлиги кура, уларни тақомиллаштиришга қаратилган муҳокама ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги қонунларга ўзгартишлар киритишни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда ҳар томонлама муҳокама қилишдан бошладилар. Мазкур ҳужжат ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада тақомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган.

Шундан сўнг депутатлар муҳокамасига янги тахрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилди. Вазирилар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида ветеринария хизматларини ривожланишига, мамлакатда ветеринария осойишталигини таъминлаш, аҳоли ва ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазасида ветеринария хизматларини ривожланишига қаратилган.

нария-санитария масалаларини ҳал қилиш депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама этиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

— Ушбу ҳужжат фракцияимиз аъзолари томонидан кенг муҳокама этилди ва биз уни биринчи ўқишда қабул қилиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Масъул кўмитага партияимиз сайловдаги дастурдан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасида хусусий секторнинг ролини кучайтириш билан боғлиқ нормаларни янада тақомиллаштиришга эътибор қаратиш юзасидан тавсияларимизни бердик, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ш. Шарафутдинов.

Мазкур ҳужжат тадбиркорлик, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида қишлоқ ҳўжалигини янада диверсификация қилиш ва ривожлантириш йўналишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хусусий ветеринария хизматларини янада кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини аниқлаштиришга оид нормаларнинг акс этирилиши партияимиз мақсад-вазифаларига ҳам мосдир.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Пойтахтимизда «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг депутатлари, вазириликлар, идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш, жамоатчиликни юртимизда кечаётган кенг қўламли

сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлардан ҳабардор этиш мақсадида улкан ишлар олиб борилди. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз эркинлигини таъминлаш бўйича ҳаётга татбиқ этилган демократик ўзгаришлар фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, мамлакатни демократлаштириш жараёнида уларнинг ролини оширишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИМТИЁЗ, ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

мамлакатимизда ҳунармандчиликнинг рағбат топишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Юртимиз азал-азалдан ўзининг уста ҳунармандлари билан етти иқлимга маълуму машҳур. Айниқса, худудимизда ёғоч ўймакорлиги, қуллоқ, сангтарошлик, зардўзлик, наққошлик, каштадўзлик, гиламдўзлик, заргарлик сингари қадимий ҳунарлар авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани ва халқимизнинг миллий қадриятлари даражасига кўтарилганлиги диққатга сазовордир. Истиқлолга эришилган, халқ ҳунармандчилигига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Соҳани ривожлантиришга оид ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилиб, солиқ имтиёзлари ва бошқа қатор енгилликлар берилди. Жойларда миллий ҳунармандчилик анъаналари бардавомлигини сақлаш мақсадида «Устоз — шогирд» мактаблари ташкил қилинди. Айниқса, «Ҳунарманд» уюшмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти йўлга қўйилиши соҳа вакиллари ишини янги bosқичга олиб чиқишга шароит яратди. Бу борада Президентимизнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.



Бинобарин, бугун ҳунармандларимиз ўз меҳнатлари орқали санъат даражасига қўтарилган буюмлари билан дунё кезмоқда. Юртимиз ҳамда қўллаб-қувватлаш давлатларида ўтказилган фестиваллар, кўрик-танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этапти. Бу мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликка бўлган эътибор, қўли гул усталарга яратилган шарт-шароитларнинг амалдаги фодаси сифатида намён бўлаётир.

Эғру мақсадда ташкил этилган «Ташаббус» танлови сабаб ҳар йили юзлаб ҳунармандларимиз ушбу нуфузли кўриқда

ўз салоҳиятлари, имкониятларини намойиш қилишаяпти. Биргина «Ташаббус — 2014» республика кўрик-танловининг дастлабки bosқичларида вилоятлардан юздан зиёд ҳунарманд қатнашди. Бу эса ҳар бир иш-тироқчи ўзи танлаган йўналиши бўйича янгиликлар, ташаббуслар устида ишлади, изланди, зарур ҳолларда унутилаёзган анъаналар қайта тикланишига ҳисса қўшди, деганидир. Масалан, Андижон шаҳридан миллий мусика асосликлари ясович Абдумалик Абдураимовнинг «Ташаббус — 2014»да биринчи ўринни эгалла-

ФАРМОН ВА ИЖРО

юксад эътибор намунаси. Айни пайтда уюшмада касана-чиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Биргина ўтган йили уюшма ва унинг худудий бўлимлари томонидан касаначилик соҳасида 883 та иш ўрни ташкил этилган бўлса, улардан 297 нафари

хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мамлакатимизда ўтказилиши яхши аънамага айланиб қолган «Мустақил юрт ҳунармандлари», «Ўзбекистон халқ амалий санъати — дунё нигоҳида», «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар», «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан», «Қўли гулдир ўзбек аёлини» сингари йўналиб танловлар ҳам борки, уларнинг барчаси бир мақсадга — юртимизда фаолият юритаётган уста-ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган.

(Давоми 4-бетда).

Парижда ва Вашингтонда бўлиб ўтган тадбирлар ўзбек адабиёти ҳамда санъатига бағишланди

Парижда Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкиллаштирилган ушбу тадбирда ЮНЕСКО, расмий ҳамда маданий-гуманитар доиралар вакиллари ҳамда хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари ва дипломатия миссиялари раҳбарлари қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг француз тилига таржима қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси кўмагида Парижда нашр этилган «Эртақлар билан хайрлашув» китобининг тақдими то кенг қамровли маросимнинг қизиқарли тадбирларидан бири бўлди. Мазкур тўпلامдан ёзувчининг иккита қиссаси ва иккита ҳикояси ўрин олган. Шунингдек, маросимда истеъдодли rassомлар Ж. Умарбеков ва Б. Исмоилов ҳамда миниатюрachi rassом Д. Тошевнинг ўзбек тасвирий санъати ҳақида атрофлича тасаввур уйғотадиган ижод намуналари ҳам намойиш қилинди. Шу билан бирга, маданий

кечада франциялик мусиқачи ижросида ўзбек мусиқалари ҳамда Эркин Аъзам қаламига мансуб китобдан парчалар тингланди. Тадбир якунида «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири айрим қатнашчилар билан суҳбатлашди.

Тьерри МАРИАНИ, Миллий Ассамблеянинг «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи расми ўринбосари:

— Франция пойтахтида ташкил этилган ўзбек маданияти, санъати ва адабиёти кечаси Париж маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхо-

наси томонидан Францияни ўзбек маданияти билан янада яқинроқ таништириш мақсадида уюштирилган бундай ажойиб ташаббусларни табриқлайман ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман. Айтиш жоизки, мана шу биргина тадбир орқали бугун мамлакатимизнинг замонавий адабиёти, тасвирий санъати ҳамда мусиқаси билан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Французлар Ўзбекистонни, унинг кўп асрлик тарихи ва маданиятини, маҳобатли меъморий ёдгорликларини, Буюк Ипак йўлидаги афсонавий шаҳарларини яхши билади ҳамда қадрлайди. Республиканинг ҳар йили борадиган хорижий сайёҳлар сонини жиҳатидан Франция Европа мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллайди. Мазкур маданий кечанинг муҳим аҳамияти шундаки, у бизларда замонавий ўзбек маданияти ва адабиёти ҳақида атрофлича тасаввур уйғотди.

(Давоми 4-бетда).

МУНОСАБАТ

Мархабба ҒАФУРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси: — Президент сайлови юртимиз ва кўп миллатли халқимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлиб, давлатимизни демократик жиҳатдан

га, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак», дея таъкидлади.

Бугунги кунда дунёда халқаро муносабатларда кескинлик сақланиб қолаётир, этник, динлар-

Халққа хизмат қилиш — олий саодат

янада ривожлантиришнинг янги bosқичини ўзида намён қилди. Кўплаб халқро кузатувчилар қайд этганидек, фуқароларимиз сайловда юксад сиёсий фаоллик кўрсатиб, Ўзбекистон халқи онгли равишда ва қатъият билан мамлакатда тинчлик, барқарорликни асраб-авайлаш, республиканинг демократлаштириш, янгилаш ва модернизация йўлида изчил давом этиши, дунёда муносиб ўрин эгаллаши учун овоз берди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқида ташқи сиёсатимиз йўналиши ўзгармаслигига алоҳида тўхталиб, жумладан, «Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз худудидида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштириш-

аро можаролар, қуролли тўқнашувлар тўхтамайпти. Шундай бир пайтда Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, қўшнилари билан дўстона муносабатлар ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ягона тўғри сиёсатни олиб бормоқда. Давлатимиз тинчлик-севар сиёсатга содиқлигини намойиш этган ҳолда, юртимизда ёш авлодга хамиша гамҳўрлик кўрсатилиб, кексалар мудом эъзоз топмоқда. Иқтисодиёт, фан, таълим, спорт соҳаларидаги муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамиятининг юксад эътирофи сазовор бўлаётир. Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига ишонч билан интеграциялашмоқда. Зеро, халқимиз барқарор тараққиёт йўлини танлаган.

(Давоми 2-бетда).

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган жами инвестицияларнинг

73 фоиздан ортиги ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, пировардида маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

HALQ BANKI

Мамлакатимизнинг молиявий хизматлар бозорига юқори технологияларга асосланган банк хизматларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими шулар жумласидандир. У банк мижозларига қўшимча қулайликлар яратиш баробарида, унинг тўлов қобилиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Шу боис кейинги йилларда мазкур хизмат турини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунини Давлат-тижорат Халқ банки томонидан шу йўналишда амалга оширилаётган ижобий ишлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Пластик карточка:

Ихчам ва қулай

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банк томонидан 2 млн. 379 мингтадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, мазкур кўрсаткич 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 757,9 мингта, йил бошидагига қараганда эса 214,5 мингта кўндир. Уларнинг асосий қисми бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсия ва ижтимоий нафақалар ҳамда ҳўжалик юртыдаги субъектлар иш ҳақини кирим қилиш учун чиқарилган пластик карточкалар эканлиги эътиборга молик.



Пластик карточкалар ҳисобварақларига шу йилнинг ўтган даври мобайнида 704,8 млрд. сўм маблағ кирим қилингани ҳолда, улардаги қолдиқ маблағлар миқдори 156,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мазкур даври билан таққосланганда, 28,6 млрд. сўм ёки 22 фоиз ўсишга эришилгани аён бўлади.

Тавқидлаш керакки, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг такомиллаштириш, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадига жойларда 22 864 та терминал ўрнатилган. Шундан 1 680 таси коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун банк муассасаларида жой-

лаштирилган бўлса, қолган қисми чакана савдо ҳамда майший хизмат кўрсатиш субъектлари ва умумий оврақатланш корхоналаридадир. Натижада 2015 йилнинг ўтган уч ойида терминаллар орқали 796,8 млрд. сўмлик тўловлар бажарилиб, 2014 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 24 фоиз ўсиш кузатилди.

Мижозларнинг вақтини тежаш учун маблағларини ўзларига қулай жойлардаги минибанклар ва шохбачаларга юклаш, савдо ташкилотларига эса терминаллар орқали ўтказилган савдо тушумларини инкасса-

ция қилиш имкониятини яратиш мақсадига банк филиалларида 1300 данадан ортиқ ридерлар, 74 дон инфокиоск ва 21 дон банкомат орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани ҳам диққатга сазовор. Бундан,

Қисқача айтганда, Халқ банки ўз мижозларига буғунги замон талаблари асосида сифатли хизмат кўрсатиб, маблағларнинг банкдан ташқари айлананишининг олдини олиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшяпти. Бунда ушбу молия муассасасида мазкур йўналишда аниқ режа асосида ихчам механизм яратилгани қўл келмоқда.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

«КОР TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» MCHJ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 28 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 8-ўйда жойлашган, ер майдони 472,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 262,0 кв.м. бўлган 1 қаватли ер-тўладан иборат ошхона ва савдо дўкон.

Бошланғич баҳоси — 287 500 000.

2. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ўйгур кўчаси, 387-«Д» ўйда жойлашган, ер майдони 331,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 131,0 кв.м., 4 та хонадан иборат ижара салони биноси (ҳозирги пайтада тикув шеши биноси).

Бошланғич баҳоси — 256 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 22 май кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдога қатнашиш истагидаги талаборлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Kor tarmoqli ko'chmas mulk savdo» MCHJнинг АТБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатади.

Мурожаат учун манзили Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» MCHJ

очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» MCHJ Фарғона филиалида 2015 йил 7 май кунин соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

1. Қувасой шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2012 йил 17 майдига 15-12-05/17159-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Арсиф шаҳарчасида жойлашган, умумий майдони 205 кв.м., фойдаланиш майдони 205 кв.м. бўлган 0013-литердаги темир бостирма (навес).

Бошланғич баҳоси — 7 345 824 сўм.

2. Қувасой шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-04/8801-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 112-ўйда жойлашган, қурилиш ости майдони 2016,61 кв.м., фойдаланиш майдони 2432,53 кв.м. бўлган, 0003, 0007, 0017, 0020, 0021, 0022, 0025-литерлардаги бино-

иншоотлар ва ҳуқуқий ҳужжатсиз қурилган қоровулхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 356 231 612 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талаборлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 5 май кунин соат 17.00 да тўхтатади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлардан кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» MCHJнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзили: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» MCHJ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» MCHJда 2015 йил 26 май кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2014 йил 26 декабрдаги 1-629/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шохкўчаси ҳамда Аҳмад Дониш ва Янгишаҳар кўчалари оралиғида жойлашган, умумий майдони 158 кв.м., фойдаланиш майдони 121,70 кв.м. бўлган савдо дўкони қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 215 925 992 сўм.

2015 йил 19 май кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сидрар кўчаси, 45-ўйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд

ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талаборлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлардан кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» MCHJнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзили: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов кўйидаги йўналишларда олиб борилди: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизаациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибдорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаммини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намунга бўйича);
инвестиция таклифи (намунга бўйича);
инвестиция таклифи паспорти (намунга бўйича).

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти Ҳўжалик судининг 2013 йил 25 октябрдаги 16-1302/2672-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «22-автокорхона» АЖга тегишли, Наманган шаҳри, Саъдий Шерозий кўчаси, 15-ўйда жойлашган, ер майдони 1,86 гектар, қурилиш ости майдони 4625,09 кв.м., фойдаланиш майдони 2769,25 кв.м. бўлган автосарой бино-иншоотлари мулкый мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 494 642 916 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 6 май кунин соат 11.00 да

бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2015 йил 4 май кунин соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талаборлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MCHJ Наманган вилояти филиалининг АТБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзили: Наманган шаҳри, Ноҳидра кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (0-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» MCHJ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

- 19-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм;
20-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм;
27-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм;
29-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм;
35-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм;
38-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм;
58-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 19 107 078 сўм;
64-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм;
65-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм;
66-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 24 847 544 сўм;
31-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм;
69-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм;
84-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм;
46-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 191 684 535 сўм;
56-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 28 740 600 сўм;
95-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 58 468 024 сўм;
96-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 60 388 713 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» ХК худудлида жойлашган кўйидаги дўконлар такроран қўйилмоқда:

1. 2014 йил 25 апрелдаги 7445-46/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бузсув» ҚФЙ, Амир Темур кўчасида жойлашган, умумий майдони 192,69 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.

2. 7450/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 19-ўйда жойлашган, ҳужжат асосида ер участкасининг майдони 800,0 кв.м., амалда фойдаланилаётган майдон 865,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 118 513 693 сўм.

3. 7451/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 21-ўйда жойлашган, ҳужжат асосида ер майдони 800,0 кв.м., амалда фойдаланилаётган майдон 1040,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 156 153 110 сўм.

4. 10163/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» ҚФЙ, Мирзо Улуғбек кўчаси, 1-ўйда жойлашган тураржой.

Бошланғич баҳоси — 1 035 120 320 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 6 май кунин соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатади. Талаборлар аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат пулини келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «New estate action» MCHJнинг АТБ «Ипақ йўли» Мировоб филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

«Universal Realtor» MCHJ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарниво кўчаси, «Шифокор» бозори худудидида жойлашган савдо дўкони қўйилмоқда.

Умумий майдони 83,32 кв.м., фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., бинога ёндош қурилган 53 кв.м. ҳужжатсиз қурилма, ер майдони 116 кв.м., қўшимча эгаллаб олинган қисми 25 кв.м..

Бошланғич баҳоси — 108 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 май кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-ўйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

гача қабул қилинади. Талаборлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 21 май кунин соат 11.00 да тўхтатади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлар савдо ташкилотчиси билан «Заказат пули тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» MCHJнинг АТБ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Кўшимча маълумот олиш манзили: «Universal realtor» MCHJ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz. E-mail: universal.realtor@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» MCHJ

очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» MCHJ Андижон филиалида 2015 йил 22 май кунин соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Асака тумани СИБ томонидан 1-63-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Асака тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, Найман маҳалласида жойлашган, ер майдони 26933,3 кв.м., қурилиш майдони 2946,8 кв.м. бўлган чорва мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача

қабул қилинади ва 2015 йил 20 май кунин соат 17.00 да тўхтатади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талаборлардан кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» MCHJнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тиклианиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

ИМТИЁЗ, ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

мамлакатимизда хунармандчиликнинг равноқ топшида муҳим аҳамият касб этмоқда



Хосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Айтиш жоизки, "Хунарманд" уюшмаси фаолияти республикамизнинг чекка хуудларидан ижод қилаётган моҳир хунармандларни излаб топшиш, юртдошларимиз ҳамда мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларни уларнинг меҳнат маҳсули билан таништиришга қаратилган. Хар йили уюшма қошида 700 дан ортқ "Устоз — шогирд" мактаблари ташкил этилиб, уларда 4000 га яқин ёшларга касб-хунар ўргатилади. Хусусан, 2014 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 574 нафари уюшма аъзолигига имтиёзли тарзда қабул қилинди. Айни пайтда Самарқанд, Андижон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятларида "Хунармандлар марказлари" очилган

бўлиб, улар хузурида "Устоз — шогирд" мактаблари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Ўтган йиллар давомида хунармандларимиз дунёнинг кўп қисми давлатлари, жумладан, Франция, Япония, АҚШ, Англия, Малайзия, Италия, Хитой, Озарбайжон, Жанубий Корея, Туркменистонда ўтказилган кўрғазма ва танловларда муваффақиятли иштирок этди. Айтайлик, ғиждувонлик кулол Алишер Нарзуллаев Португалиянинг Лиссабон шаҳрида ташкил қилинган Бутунжаҳон кулоллар танловида ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, Гран-прини кўлга киритди.

Мана шундай ютуқлар, хунармандларимизнинг хорижий давлатларда кўп бора эътироф этилиши, шубҳасиз, мамлакатимизда соҳа вакиллари учун яратиб



берилган улкан имкониятлар самарасидир. Бундай эъзоз ва ғамхўрлик эса ёшларимизни миллий аъёнларимизга ҳурмат, халқ амалий санъатига эътибор руҳида тарбиялашга хизмат қилаверади.

Муҳаммадюсуф ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ устали, хунармандлари, мусавирлари «Хунарманд» уюшмаси раиси.

Пиёда юринг, соғлом бўласиз

Жисмоний тарбия инсон организми учун ниҳоятда фойдали эканлигини яхши биласиз. Бироқ аксарият кишилар иши кўпчилигини рўқач қилиб ёки эринчоқлиги боис ҳар доим ҳам жисмоний машқларни бажармайди. Бундайларга аслида мутахассисларнинг фикрига кўра, пиёда юриш асқатади. Чунки яёв йўл юриш кўпгина хасталикларнинг олдини олади. Хусусан, қон босими меъёрлашиши, мия фаолияти яхшиланишига хизмат қилади.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Маълумки, қон босимнинг кўтарилиши ва организмда холестерин миқдорининг кўпайиши натижасида юрак хасталиклари вужудга келади. Бундай беморларга шифокорлар энг содда даво усули сифатида ҳар кун маълум бир вақт мобайнида тоза ҳавода сайр қилишни тавсия этишади. Бунинг қанчалар ижобий самара беришини эса пиёда юриши оdatий машғулота айлантирган кишилар жуда яхши билади.

Шунингдек, пиёда юриш инсон миёяси фаолиятини яхшилайди. 30 дақиқа пиёда юриш юрак уриши меъёрлаштириб, қон босими кўтарилишининг олдини олади. Яна шунингдек, таъдил қилиш керакки, югуришдан ёки чопишдан кўра бир маромда юришнинг фойдаси кўпроқ. Умуман олганда, очиқ ҳавода барча кундалиқ ташвишлардан холи бўлган ҳолда пиёда сайр қилиш инсоннинг тана аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади.

АҚШлик шифокорларнинг айтишича, яёв юриш инсон миёяси ҳамини ҳам кенгайтиради. Бу эса кўйидаги таъриба асосида исботланган. Хусусан, турли ёшдаги 60 нафар кунгилли гуруҳ ҳафтада уч маротаба 40 дақиқадан пиёда юриш. Иккинчи шундай гуруҳ эса ҳафта давомида уч марта жисмоний машқ билан шўғулланган. Бир йилдан кейин иккала гуруҳ аъзоларининг миёялари текширилиб қўрилганда, пиёда юришчиларнинг хотира маркази 2 фоиз, машқ қилувчиларники эса 1 фоиз кенгайгани аниқланган.

Қолаверса, яёв юриш миёянинг қон билан яхши таъминланишига олиб келади. Бу эса янги нейронларнинг ўсишига сабаб бўлади. Агар кимнингдир кўриш имконияти пасайган бўлса, у, албатта, кўпроқ пиёда юриши лозим. Бир хил ҳаракат кўз нури ҳам равшан қилади.

Маълумки, кўпчилик овқат еб бўлганидан кейин сайрга чиқади. Аслида эса овқатдан олдин бир оз сайр этиб, ундан кейин тамадди қилиш киши организми учун ниҳоятда фойдалидир. Бир ярим соатлик сайр қон таркибидаги ёғларни 25 фоиз камайтиради. Бу жараён овқат истеъмолдан кейин ҳам давом этади. Шу билан бирга, ёғларнинг ўзлаштирилиши ҳам яхшиланади.

Хуллас, кўпроқ пиёда юринг, соғлом бўласиз.

Ринат БЕККУЗИН, олий тоифали шифокор.

Ёш тиббиётчилар анжумани

Самарқанд давлат тиббиёт институтида "Замонавий тиббиёт фанлари муаммолари" мавзусида ёш олимлар ва талабаларнинг 69-халқаро илмий конференцияси ўтказилди.

САЛОМАТЛИК

Унда нафақат мамлакатимизда фаолият юритаётган тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртли, балки МДХ давлатларида ҳам ёш тадқиқотчилар ва иқтидорли талабалар қатнашди. Тадбирда тизимдаги энг сўнгги янгиликлар бўйича маърузалар тинланди.

Шифокорлик ўта муҳимлиги касб, — дейди СамДТИ проректори Шухрат Юсупов. — Шу боис тизим ходимларидан муттасил изланиш ва интилиш талаб қилинади. Айни нукта назардан олиб қараганда, ёш мутахассисларнинг ўзаро таъриба алмашишида ҳамда кейинги йилларда эришилган ютуқлари амалиётга кенг татбиқ этишда мазкур конференциянинг аҳамияти катта.

Тадбир иштирокчилари вилоятдаги бир қатор шифохоналарга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

— Анжумандан бугунги жаҳон тиббиётини даъват қилган ўзгаришлар, даволашнинг илгор усуллари ҳақида атрофлича маълумот олдик, — дейди СамДТИ талабаси Дилдора Дўстмуродова. — Хорижлик тенгдошларимиз институтимизда биз, ёшларнинг пухта таълим олганимизда ҳамда илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишимиз учун яратилган замонавий лабораторияларнинг кўриб, ҳавас қилишиди.

Акрам ХАЙДАРОВ.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ив Поззо ди БОРГО, Франция — Марказий Осиё парламентларо дўстлик гуруҳи раиси, сенатор:

— Ушбу тадбирда Франция Сенати номидан иштирок этиш мен учун гоят улкан шарафдир. Фикримча, маданий кечани ўтказишдан кўзланган мақсадга эришилди — барча қатнашчилар чексиз ҳайрат ва завқланиш

ларни ўтказиш бизнинг дўст халқларимиз ўртасидаги алоқалар ривожига муҳим ўрин тутди. Қолаверса, жорий йилда Бухоро ва Рюэй-Мальмезон шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилганининг 15 йиллигини нишонлашимизни назарда тутсақ, унинг аҳамияти нақадар улкан экани янада ойдинлашди.

Ажойиб республикангиздан ташриф буюрган тасвирий санъат ва адабиёт намоёнда-

санъати тарихининг серқирралиги ва ўзига хослигини кўрсатиб берадиган ушбу ноёб ижод тури, афсуски, Францияда ҳозирча кам танилган. Шу боис бундай тадбирларни янада кўпроқ ўтказиш керак, деб ўйлайман. Улар, том маънода, бир-бирини ўзаро тушунишга, бир-бирини бойитишга ҳамда халқларни ва маданиятларни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Эркин

хисоблашимизни таъкидлади. Шу нукта назардан, у мамлакатимизнинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан Вашингтон шаҳрида ташкил этилган мазкур тадбирга юксак баҳо берди. Ушбу маданий кеча АҚШ жамоатчилигига ўзбек халқининг бой тарихий мероси ҳамда кўна ёдгорликларини авайлаб асраш ва уларни қайта тиклаш юзасидан мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан яқин-

пианиночи Ф. Аҳмедованинг чиқишидан ҳамда ўзбек рассомлари Ж. Умарбеков ва Б. Исмоиловнинг ижодий ишларидан ҳам завқланиш имконига эга бўлди.

Майкл ЛАЛЛИ, АҚШ савдо вазири ёрдамчисининг ўринбосари:

— Мазкур маданий кечада иштирок этиш мен учун катта шарафдир. Унга таклиф этгани учун Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонасидан миннатдорман. Биз икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-сармоявий алоқаларни янада кенгайтиришга йўналиштирилган саъй-ҳаракатларни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Марта ОЛКОТТ, Мичиган университети профессори:

— Ушбу ажойиб тадбир АҚШ жамоатчилигига бой ва серқирра ўзбек маданиятининг турли жиҳатлари, жумладан, кўна аъёнларга асосланган адабиёт, мусиқаси ҳамда замонавий бадиий санъати билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Фурсатдан фойдаланиб, халқингизнинг "Хечдан кўра кеч яхши" мақолига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон ахлини баҳор байрами, яшариш ва янгилишни рамзи бўлмиш Наврўзи олам билан ҳам табриклашни истар эдим.

Кэрел Робертсон ЛОПЕС, Бухоро — Санта-Фе биродарлик алоқалари кўмитаси раиси:

— Мазкур ҳайратланарли маданий кеча менда унутилмас таассуротлар қолдирди. Биз бу ерда фавқуллодда истеъдодли икки ўзбек расссомининг тасвирий санъат асарлари билан танишидик, ёш пианиночи ихросида жаҳонга машҳур муқом мусиқадан завқ олдик ҳамда ўзбек ёзувчисининг китоби тақдирининг иштирокчисига айландик.

«Жаҳон» АА. Париж — Вашингтон

Парижда ва Вашингтонда бўлиб ўтган тадбирлар ўзбек адабиёти ҳамда санъатига бағишланди

туйғусини ҳис қилдилар. Ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамнинг маҳоратини алоҳида қайд этишни истардим. Унинг китоби француз тилига таржима қилинган ҳам бу ёзувчининг ижоди нечоғли кенг қамровли эканидан далolat бериб турибди. Қолаверса, франциялик пианиночи маҳорат билан ижро этган замонавий ўзбек мусиқалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Париждан сайланган сенатор сифатида шунинг тасдиқлаши мумкинки, Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиётини тараннум этувчи мазкур ажойиб кеча шаҳримиз маданий ҳаётининг беназир воқеаларидан бири сифатида ёдда қолади.

Ванесса ОХАНА, Рюэй-Мальмезон шаҳар муниципал кенгаши депутати:

— Ўзбекистоннинг машҳур тарихий шаҳарларидан бири — Бухоро билан ўзаро биродарлик алоқаларини ўрнатган Рюэй-Мальмезон шаҳри вакили сифатида ушбу ажойиб байрамда қатнашишдан чин дилдан хурсандман. Бундай маданий тадбир-

лари туйғули мен ва кечанинг бошқа иштирокчилари Ўзбекистон билан хайрлашув" китоби тақдироти, айниқса, муаллиф кўлидан у дастхат битган китобни олиш жуда ёқимли бўлди. Шубҳасиз, мен бу китобни катта қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Ишончим комилки, уни мутолаа қилиш асосида ёзувчи ҳақидаги ҳамда ўзим чуқур ҳурмат қиладиган ўзбек халқининг бугунги куни ва тарихи ҳақидаги билимларим янада ошади.

Ф. МАРК, "Алех" компанияси президенти:

— Ажойиб ҳамда жуда мазмундор ва ёркин чиқишлардан иборат мазкур тадбирда қатнашганимдан беҳад мамунман.

Айтиш керакки, ўзбек расссомларининг қизиқарли ижод намуналари маҳоратининг юқори даражаси, ёркинлиги ҳамда рангларнинг беихёра аниқ танлангани ҳамда уйғунлиги билан ажралаб туради. Шу боис барчамиз ушбу ижодий ишларнинг гўзаллиги ва нафислигига шайдо бўлдик. Чунки улар бир пайтнинг ўзида ҳам монументал миллий ўзига хослигини, ҳам ижоднинг аъёнани ва илгор йўналишларини акс эттирган.

Қолаверса, ўзбек миниатюрачи расссом ишларининг кўрғазмаси менда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон

Аъзамнинг француз тилига таржима қилинган "Эртақлар билан хайрлашув" китоби тақдироти, айниқса, муаллиф кўлидан у дастхат битган китобни олиш жуда ёқимли бўлди. Шубҳасиз, мен бу китобни катта қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Ишончим комилки, уни мутолаа қилиш асосида ёзувчи ҳақидаги ҳамда ўзим чуқур ҳурмат қиладиган ўзбек халқининг бугунги куни ва тарихи ҳақидаги билимларим янада ошади.

Худди ана шундай кеча АҚШ маъмуриятининг юқори мартабали аъзолари, дипломати корпуси, ишбилармон, илмий-таҳлилий ва маданий доиралари ҳамда ўзбек диаспораси вакиллари иштирокчида Вашингтонда ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбек маданияти кечасини олиб бориш асосида "NBC4 Washington" телеканалнинг танлики бошловчиси **Барбара Харрисон** маданий ҳамда санъат халқлар ва одамлар ўртасидаги яқинлашув ҳамда бир-бирини тўғри тушунишнинг универсал тили

дан танишиш имкониятини яратди.

Маданий тадбир доирасида ёзувчи Эркин Аъзамнинг "Эртақлар билан хайрлашув" китоби тақдироти ҳамда иқтидорли рассомлар Ж. Умарбеков ва Б. Исмоилов ижодий ишларининг экспозицияси намойиши бўлиб ўтди. Иқтидорли ёш пианиночи Ф. Аҳмедованинг чиқишлари эса кечага алоҳида шуқуқ бағишлади.

Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти кечаси хусусида тадбирнинг айрим иштирокчилари қўйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Грейс ШЕЛТОН, АҚШ давлат департаментининг Марказий Осиё офиси директори:

— Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкиллаштирилган ушбу маданий тадбирда қатнашиш менга катта завқ-шавақ бағишлади. Ёзувчи Эркин Аъзамнинг инглиз тилида нашр этилган "Эртақлар билан хайрлашув" номли китобини унинг дастхати билан олганимдан эса жуда хурсандман. Биз бугун маҳоратли

Баҳор неъматлари

Ўзбекистон давлат табиат музейида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Баҳор неъматлари" номли кўрғазма уюштирилди.

КҮРГАЗМА



Унда юртимизда ўсувчи ўсимликлар, уларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида кенг маълумот берилди. Шунингдек, табиат неъматларидан бесамар фойдаланиш, ер, сув ресурсларини ифлослантиришнинг зарари оқибатлари ҳам турли кўрғазмали воситалар орқали намойиш этилди.

Тадбирда шифобахш ўсимликлардан намуналар, табиат манзаралари акс эттирилган фотосуратлар ҳам қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинди. Ёши улғу онахонлар эса баҳорий кўкатлар, улардан тайёрланувчи таомларнинг фойдали хусусиятлари ҳақида ёшларга атрофлича тушуна бердилар.

Маълумот ўрнида айтиб ўтаемиз, айна пайтда Ўзбекистон давлат табиат музейида 350 мингдан ортқ экспонат сақланмоқда.

Дилфуза ҚАРШИБОВА.

HYUNDAI
HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.

▶ Экскаваторы колесные и гусеничные
▶ Экскаваторы-погрузчики
▶ Фронтальные погрузчики
▶ Мини-погрузчики

GST OIL
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБУТОР
В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел. (+998 71) 269-29-62,
(+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

Ўзбекистон,
100050, г. Ташкент,
ул. Исхискуев, 118,
gsth Hyundai@gmail.com

Товар сертифицирован

ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси катта ўқитувчиси Сардорбек Жуманазарова отаси

Абдулла ЖУМАНАЗАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти факультети декани Зарифжон Муқимовга падири бузруквори

МАЖЛИС отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ёшлар 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Буронов.
Мусаҳҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси